

## Бирга тафаккур қилайлик! (олтинчи мақола)



13:20 / 26.11.2021 2491

Тафаккур борасида мақоланинг биринчи сониди тўхталиб ўтган эдик. Ушбу мақолада баъзи бир жонзотлар ҳақида сўз юритилади. Улар ҳақида тафаккур қилсак, Аллоҳ таоланинг азаматига, қудратига, мусаввирлигига, ҳар бир нарсага қодирлигига яна бир бор тан берамиз, иймонимиз нури зиёда бўлади.

Қўнғиз

Юқоридан қараганда қандайдир юзни эслатувчи кўриниш. Аллоҳ таоло бу қўнғиз қанотига мазкур кўринишни ато этган бўлиб, қўнғиз шу «юз» орқали душманини қўрқитишга уринади. Роббимиз ҳар бир жонзотга берганидек, бунга ҳам душмандан ҳимояланиш неъматини ато этган.

Ҳудхуд

